

Олма боғларини жадаллаштириш учун ишлаб чиқаришга янги навларни жалб қилиш, эски боғларни реконструкция қилиш ва янгиларини экиш зарур.

Соғлом, юқори сифатли, стандарт талабларига жавоб берадиган кўчатлар дарахларнинг яхши ўсишини ва юқори ҳосилдорлигини таъминлайди.

Мева кўчатзорининг структураси. Олма кўчатзори куйидаги бўлимлардан ташкил топади:


- уруғ экиш бўлими ёки ниҳоллар бўлими – бу ерда мевали экинларнинг пайвандтаглари етиштирилади.
- шакл бериш бўлими ёки кўчатлар бўлими, у кўчатзорнинг биринчи ва иккинчи даласидан ташкил топиб, пайванд қилинган кўчатлар етиштирилади.
- вегетатив усулда кўпаядиган пакана ва ярим пакана пайвандтагларни кўпайтирадиган оналик-пархиш бўлими.
- она боғлар бўлими – кўчатзорни пайванд қилиш учун новдалар билан таъминлайди.
- она уруғли боғлар бўлими – пайвандтаглари етиштириш учун уруғ тайёрланади.

Олма учун пайвандтаглари. Пайвандтаглари уруғли ва вегетатив йўл билан кўпаювчи гуруҳларга бўлинади. Уруғли пайвандтагларида олма кучли ўсувчи, узоқ яшайдиган, ноқулай шароитларга чидамли, лекин кеч ҳосилга кирадиган бўлади. Олма учун энг яхши кучли ўсувчи уруғли пайвандтаг бу Сиверс (*M.sieversii*) олмасининг маҳаллий шаклларидир.

Олманинг вегетатив йўл билан кўпаювчи пайвандтаглари етиштириш. Кучсиз ўсувчи дарахларни олиш учун пайвандтаглари вегетатив йўл билан кўпайтирилади (пархиш, кўк қаламчалар, илдиз қаламчалар, бачкилар).

Пархишлаш учун унумдор, енгил тупроқлар танланиб 40-50 см чуқурликда ҳайдалади. Ҳар 1 гектарга 30-40 тонна гўнг, 80-100 кг фосфор ва 30 кг калий солинади.

Вертикал ва горизонтал пархишлаш усулларида фойдаланилади.



Расм 1. Вегетатив-кўпаювчи пайвандтаглари баландлиги:

пакана пайвандтаглари: а – М27, б – М9, в – М26; ўрта ўсувчи: г – ММ106; кучли ўсувчи: д – ММ111, е – М25.

Уруғ тайёрлаш ва уни сақлаш. Олма уруғлари яхши пишган сифатли мевалардан олинади. Тозаланиб ювилган уруғлар салқин жойда қуритилади ва қопларда, ёғоч яшикларда яхши ҳаво айланадиган хоналарда нисбий намлиги 60-70% ва ҳаво ҳарорати 0-5°C сақланади.

Уруғларни стратификациялаш. Олма уруғлари тайёрлангандан сўнг етилиб, пишиш даврини ўтганидагина нормал униб чиқади. Бу даврнинг давомийлиги 100-120 кунни ташкил этади. Бунинг учун уруғлар стратификация қилинади, яъни қумланади. Бунинг учун яхши ювилган ва қуритилган дарё қумининг 3 қисмига 1 қисм уруғ аралаштирилади ва намланади. Уруғ билан аралаштирилган қумнинг қалинлиги 25 см ошмаслиги керак. Яшикларга солинган уруғлар 3-4°C сақланади ва мунтазам равишда аралаштириб турилади ва намланади.

Экиш одидан ер тайёрлаш. Уруғлар ёки пайвандтаглари (ниҳоллар) кузда экиладиган бўлса, сентябрь – октябрь ойининг биринчи ярмида ер 30-35 см чуқурликда ҳайдалади. Экиш баҳорда ўтказилса кузда – ноябрь ойларида ер ҳайдалиб 120 кг/га фосфор, 25-30 кг/га калий ва 20-40 тонна чириган гўнг солинади.

Уруғ экиш бўлими. Уруғлар кузда октябрь ойининг иккинчи ярмида – ноябрининг бошида ёки

эрта баҳорда экилади. Кузда экилганда уруғлар қуруқ стратификация қилинмаган – қумланмаган ҳолда, баҳорда фақат стратификацияланган уруғлар билан ўтказилади.

Олма уруғларини уруғ экиш бўлимига икки йўлли лентасимон усулда, йўллар ораси 6-8 см, ленталар ораси – 60-70 см қилиб экилади. Уруғлар енгил тупроқларда 3-3,5 см, оғир тупроқларда 2-2,5 см чуқурликка экилади. Уруғ экилгандан сўнг суғорилади ва зарур агротехник тадбирлар ўтказилади. Кузда ниҳоллар ковлаб олинади.


Кўчатзорнинг биринчи даласи. Илмий-тадқиқот муассасалари ва малакали фермер хўжаликлари тажрибасидан маълумки, олма уруғларини Ўзбекистонда бевосита кўчатзорнинг биринчи даласига экиш мумкин, бунда албатта пайвандлаш муддатигача кучли озиклантириш ҳисобига ниҳолларни етказиб олиш талаб этилади.



Расм 2. Кўчатзорнинг биринчи даласида пайвандланган ниҳоллар.

Ниҳол-пайвандтаглари кузда – октябрь-ноябрининг бошида ёки баҳорда – март ойида экилади. Экиш пайтида ниҳол-пайвандтаглари илдиз бўғизи тупроқ сатҳидан 1-2 см пастроқда бўлиши керак. Пайвандлашгача ер юмшатилади, суғорилади ва керак бўлганда озиклантирилади.

Пайвандлаш. Мева кўчатзорларида ёзги пайвандлаш қўлланилади. Пайванд қилишдан 3-4 кун олдин ниҳоллар пўстлоғининг яхши ажралиши, ўсимлик танасида шира ҳаракатини кучайтириш мақсадида суғорилади ва пояларининг 15-20 см баландлигигача ён шохлари олиб ташланади. Пайвандтаг танасида шимолий ёки шимолий-ғарб томонидан илдиз бўғзи ёнида пўстлоғи “Т” ҳарфи шаклида пайвандлаш пичоғи билан кесилади, пўстлоғи очилиб унга узунлиги 2-2,5 см келадиган куртақ, кўпайтириладиган навнинг қаламчасидан олинган қобиқ пайвандтагнинг пўстлоғи ичига жойланади. Пўстлоқ қобиққа бармоқлар билан ёпиштирилади ва бойлагич материал билан ўраб боғланади.



Расм 3. «Т»-шаклида пайвандлаш.



Расм 4. Кўчатзорнинг биринчи даласидаги пайвандлаш жараёни.

Кўчатзорнинг иккинчи даласи. Келаси йили эрта баҳорда шира ҳаракати бошлангунча пайванд қилинган жой очилади, бойлагич материаллари олиб ташланади ва пайванд қилинган куртакка кесилади.

Баҳорда 120 кг/га азот, 60 кг/га фосфор ва 30 кг/га калий солинади, керак бўлганда 1-2 марта азот билан 60 кг/га миқдорда озиқлантирилади. Ёз ойларида суғорилади, қатор оралари юмшатилади.

Кўчатларни қовлаш. Кўчатларни кузда, барглар тўкилганидан сўнг қовлаб олинади. Стандарт кўчатларга штамбини баландлиги 50-60 см бўлган, диаметри 2-2,5 см дан ва асосий шохлари узунлиги 50-60 см дан кам бўлмаган кўчатларни киритиш мумкин.

Қовлаб олинган кўчатлар кўмиб қўйилиб, тупроқ билан зичланади, суғорилади. Кейинчалик улар реализация қилинади.



Bioversity
International



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC

Ушбу буклет Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУВаВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

Факс: (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Расмда: Наманган вилояти, Уйчи тумани, Уйчи шаҳарчасидан Икромжон Каримовнинг олма кўчатзори биринчи даласи умумий кўриниши.

Тузувчилар: Е.А.Шредер, К.И.Байметов, Ш.М.Ахмедов
А.Қ.Қайимов умумий таҳрири остида.

**Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институти**

**Олмани фермер хўжаликларида
кўпайтириш**



Тошкент – 2015